

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД

2018 йил “18” 08



2018 йил “15” 08

**ПСИХИАТРИЯ ВА НАРКОЛОГИЯ.ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5111000 Касб таълими (5510100-даволаш иши)  
5510100 Даволаш иши  
5510800 Харбий тиббиёт  
5510300 Тиббий профилактика иши

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201~~8~~ йил “~~25~~” ~~08~~ даги ~~744~~ -сонли бўйруғининг ~~6~~ -иловаси билан фан дастури руйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йуналишлари буйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201~~8~~ йил “~~18~~” ~~08~~ даги ~~4~~ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чикилди.

#### Тузувчилар:

- З.Ш.Ашурев - ТТА, “Психиатрия ва наркология” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
- З.Р.Ибодуллаев – ТТА, “Асад касалликлари” кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори, профессор
- Н.Ш.Талипова – ТТА, “Психиатрия ва наркология” кафедраси ассистенти

#### Тақризчилар:

- Алимов У. Х. - ТВМОИ психиатрия ва психотерапия кафедраси мудири, профессор
- В.К.Абдуллаева – ТошПМИ психиатрия, наркология, болалар психиатрияси, тиббий психология ва психотерапия кафедраси мудири, доцент

Фан дастури Тошкент Тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201~~8~~ йил “~~27~~” ~~06~~ даги “~~22~~” -сонли баённома)

## **Фаннинг долзарбилиги**

Бўлажак тиббиёт ходими олдида турувчи асосий амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, уларга ўз фаолиятларида руҳий касалликларнинг даволаш, ташхислаш ва ташкилий муаммолари билан маълум ҳажмда тўқнаш келишади. “Психиатрия ва наркология. Тиббий психология” фанининг ушбу дастури асосий психиатрик ва наркологик касалларнинг клиникавий текшириш усуллари, уларнинг ташхислаш, даволаш ва психопрофилактика асосларини ўз ичига қамраб олади, бўлғуси олий маълумотли ҳамшираларда клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш, психопрофилактика чора-тадбирларини қўллаш учун замин яратиб беради.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан узаро боғликлиги ва услубий жихатдан узвийлиги**

“Психиатрия ва наркология. Тиббий психология” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 5-курснинг 9- ва 10-семестрлари ҳамда 7 курснинг 13-ва 14-семестрларида ўқитилади. Дастурни амалга оширишда ўқув режасида режалаштирилган табиий-илмий фанлар (одам анатомияси, тиббий биология ва генетика, нормал физиология, психология, тиббий терминология, фармакология) назарий замин бўлиб хизмат қиласи. Психиатрия фани бир қатор умумкасбий фанлар: ички касалликлар, эндокринологик касалликлар, асад касалликлари, юқумли касалликлар билан узвий боғлиқдир.

### **Фаннинг илм-фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Психиатрия ва наркология фани тиббий билимлар қўшимчасини шақллантиришда муҳим аҳамиятга эга. У хирургия, терапия, эндокринология ва бошқа фанлар билан биргалиқда организм тўғрисида яхлит маълумот бериш, шу билан бирга талабада клиник фикр юритишни ривожланишини таъминлайди.

Тиббиёт психологияси фанидан олинган билим нафақат беморлар билан ишлаши, балки психологик касалликларни вақтида аниқлаш, профилактика чораларни кўришни ўргатади.

### **Фанни уқитишишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар хамда ўқув машгулотларини лойихалаш**

Талабаларнинг “Психиатрия ва наркология. Тиббий психология” фанини узлаштиришлари учун уқитишининг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбик килиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни узлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий кулланмапар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, электрон

материаллар, кейс-технологияларидан фойдаланилади. Маъруза ва семинар машгулотларида укитишнинг интерактив усуллари (визуал, муаммоли, муаллифлик маърузалари, икки томонлама тахлил, Инсерт, кластер, “Венна”, Синквейн ва бошкалар)дан фойдаланилади. Фан уқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамоиллари асосида “Тиббий психология. Психиатрия ва наркологияда ҳамширалик иши” фани ўқув машгулотларининг лойихалари ишлаб чикилади.

### **Фан модулининг дастури (module syllabus)**

<b>Ўқув курсининг тўлиқ номи</b>	Психиатрия ва наркология. Тиббий психология		
<b>Курснинг қисқача номи</b>	ПН; ТП;		
<b>Кафедра</b>	Психиатрия ва наркология Асад касалликлари		
<b>Ўқитувчи хақида маълумот</b>	Ф.И.Ш.	E-mail	
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	4 курс 7 ва 8 -семестрлар 5 курс 9 ва 10-семестрлар 7 курс 13 ва 14-семестрлар		
<b>Ўқув соатларининг ҳажми</b>	Даволаш ва касб таълими	Тиббий профилактика	Харбий тиббиёт
	<b>Жами:</b>	<b>243</b>	<b>208</b>
	<b>Маъруза</b>	<b>24</b>	<b>24</b>
	<b>Амалий</b>	<b>135</b>	<b>118</b>
	<b>Мустақил таълим</b>	<b>84</b>	<b>66</b>
<b>Ўқув курсининг статуси</b>	Умумкасбий фанлар блоки		
<b>Дастлабки тайёргарлик</b>	Курс “физиология”, “психология”, “одам анатомияси” фанларидан узлаштирилган билимларга асосланади.		
<b>Фанинг предмети ва мазмуни:</b>	Психиатрия ва наркология – беморнинг руҳий фаолиятининг қонуниятларларини, шахсиятининг тизимини ва руҳий бузилишларда даволовчи таъсирини, руҳий касалликларни руҳий бузилишларда симптом ва синдромларини ўрганувчи ва руҳий касалликларни этиопатогенезини, кечиши ва прогноз қонуниятларини ўрганувчи фандир.		
Тиббиёт психологияси том маънода олганда бемор психологиясини ўрганувчи фандир. Ушбу фаннинг асосий вазифалари психосоматик синдромлар ва турли касалликларда беморлар психологиясини ўрганиш, беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш, турли услубдаги психотерапия ва психофармакотерапия усулларини амалиётда қўллай олишdir.			
<b>Фанини ўқитишдан мақсад</b> – талабаларни клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган услубларни замонавий педагогик технологиялар орқали психиатрик ва наркологик касалликларнинг келиб чиқиши сабаблари, клиник кўринишлари, кечиши турлари, ташхис ва қиёсий ташхислари ҳамда даволаш ва парвариш усуллари, касалликни олдини олиш чора – тадбирларини ўргатишдан иборатdir.			
<b>Фанинг вазифаси</b> – фаннинг бўлимларига тегишли билимлар билан талабаларни босқичма – босқич таништира бориш, ўргата бориш ва қўникмаларни хосил қилиш; янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тадбиқ этиб, талабани клиник фикрлаш			

қобилиятини ўстириш ва билимини сақлаш даражасини ошириш; талабанинг клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга; фан соҳасига тааллуқли психиатрик ва наркологик беморларни ташхиси ва қиёсий ташхис босқичларини, даволаш, парвариш ва профилактика усулларининг зарурий жиҳатлари тўғрисида маълумот бериш.

### **Курснинг тематик таркиби ва мазмуни**

<b>Т\rп</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Маъ- руза</b>	<b>Ама- лий</b>	<b>Муст- қил иш</b>
1	Тиббий психология фани ва унинг асосий йўналишлари. Мия ва руҳий жараёнлар.	2	4	4
2	Шахс, унинг турлари. Темперамент, характер ва уларнинг турлари Нейропсихологик тестлар	2	6	2
3	Хиссиёт хакида тушунча. Хиссиёт бузилишлари. Нейропсихологик тестлар		6	2
4	Стресс, унинг турлари. Нейропсихологик тестлар		6	2
5	Онг ва онгиззик. Фрейд назарияси. Психоанализ таълимоти. Онг патологияси.	2	4	2
6	Психосоматик тиббиёт: психосоматик ва соматопсихик бузилишлар. Психоген синдромлар	2	4	2
7	Депрессия ва унинг турлари.		6	2
8	Бош миянинг локал ва диффуз заарланишларида психоэмоционал ва когнитив бузилишлар.		6	4
9	Инсультларда, эпилепсияда ва краниоцеребрал жароҳатларда психоэмоционал ва когнитив бузилишлар.		6	4
10	Деменция ва унинг кўринишлари. Нейропсихологик диагностика, нейропсихологик коррекция ва нейропсихореабилитация усуслари.		7	2
11	Психотерапиянинг асосий усуслари. Беморга психологик ёрдам кўрсатишининг асосий қоидалари.	2	4	2
12	Психиатрик ёрдам ҳақидаги қонун ва уни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари. Руҳий патологияли беморларни текшириш ва ташхислашни ўзига хос хусусиятлари. Сезги, идрок патологияси. Галлюцинозлар.	2	4	4
13	Тафаккур патологияси. Синдромлари. Васваса синдромлари. Обсессив-компульсив бузилиш. Ўта қимматли foялар синдроми.		6	4
14	Хотира, диққат ва интеллект бузилишлари. Синдромлари. Ақлий қолоқлик. Корсаков амнестик синдроми.		6	4
15	Хиссиёт, ирода, майл патологияси. Синдромлари. Ихтиёрий ҳаракат патологияси. Ирода ва майл бузилишлари. Психимотор қўзғалиш ва ступор синдромлари.		6	2
16	Онг патологияси. Онг бузилиши синдромлари.		6	2
17	Етук ёшдаги шахс ва ҳулқ-атвор бузилишлари. Психопатиялар.	2	4	4
18	Болалик ва ўсмирилик давридаги руҳий ва ҳулқ-атвор	2	4	4

	бузилишлари. Болалар аутизми. СДВГ. Болалар ва ўсмирлардаги хавотирли бузилишлар ва депрессиялар.			
19	Психогениялар. (Стресс билан боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишлар). Тибиётда психосоматика йўналиши.	2	4	4
20	Соматик, эндокрин ва юкумли касалликлар билан боғлиқ руҳий бузилишлар.		6	4
21	Аффектив бузилишлар. Депрессиялар, биполяр аффектив бузилишлар.		6	4
22	Шизофрения. Кечиш турлари ва шакллари.	2	4	4
23	Инволюцион ва қарилик ёшидаги руҳий бузилишлар.	2	4	4
24	Эпилепсия касаллиги ва эпилептиформ синдромлар, қиёсий ташҳисот ва шошилинч ёрдами. Бош мия жароҳатларидағи руҳий бузилишлар.		6	4
25	Алкогол қабул қилиш натижасидаги руҳий ва ҳулқ-атвор бузилишлари. Наркомания ва токсикоманиялардаги руҳий ва ҳулқ-атвор бузилишлари. Нокимёвий аддикциялар.		6	4
26	Шошилинч ҳолатлар. Психофармакотерапия асослари. Биологик даво ва психиатрияда психотерапия.	2	4	4

**Умумий**

**24**

**135**

**84**

Таълим бериш ва ўқитиш усули	Маъруза, амалий машгулотлар, мустакил ишлар (айланга стол, кейс стали, мастер-класслар
Мустакил ишлар	Ўқув лойихалар, гурӯхли тақдимот, рефератлар, Кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, конспект, эссе ва х.з

	<b>Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти</b>	<b>кунлар</b>	<b>вақти</b>	<b>аудитория</b>
1				
2				
3				

**Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби**

**ЖН ва ОНнинг баллари ишчи дастурда берилади**

<b>Баҳолаш усуллари</b>	тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сурор, презентациялар ва х.з
	<b>Назорат шакллари</b> Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиккан холда сурорлар, оғзаки савол-жавоб. ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа куринишда утказилиши мум кин
<b>Фан буйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</b>	<b>86-100 балл “аъло”</b> -мавзуга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; -мавзу бўйича ўз фикрини тўлиқ баён этиш, барча берилган саволларга тўлиқ тўғри жавоб бериш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, ижодий фикрлаш, аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда фаол қатнашиш; - мавзу бўйича беморни текшириш (объектив кўрик, клиник сухбат, анамнез йиғиш) ва унинг руҳий ҳолатини ёритиб бериши олиб бериш; -мавзу бўйича вазиятли масалаларни ечиш, тест саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб бериш; -эркин тасаввурга эга бўлиб, керак бўлганда ўқитувчи билан ўз фикрини алмасиш.

	<p><b>-71 – 85 балл “яхши”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-мавзуга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш;</li> <li>-мавзу бўйича ўз фикрини етарли даражада баён этиш, барча берилган саволларга тўғри жавоб бериш;</li> <li>- таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, ижодий фикрлаш, аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда қатнашиш,</li> <li>- мавзу бўйича беморни текшириш (объектив кўрик, клиник сухбат, анамнез йиғиш) ва унинг руҳий ҳолатини ёритиб бериши олиб бериш;</li> <li>-берилган уй вазифаси мавзуси бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш.</li> </ul>
	<p><b>-55-70 балл “қониқарли”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-мавзу бўйича ўз фикрини баён этиш, барча берилган саволларга тўғри жавоб бериш;</li> <li>- аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда қатнашиш,</li> <li>-мавзу бўйича беморнинг курациясида иштирок этиш ва беморни текшириш (объектив кўрик, клиник сухбат, анамнез йиғиш);</li> <li>-берилган уй вазифаси мавзуси бўйича тасаввурга эга бўлиш.</li> </ul>
	<p><b>- 0-54 балл “қониқарсиз”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-мавзу бўйича ўз фикрини баён этолмаслик, берилган саволларга жавоб беролмаслик;</li> <li>- аудиторияда мавзуни муҳокама қилишда қатнашмаслик;</li> <li>- мавзу бўйича беморнинг курациясида иштирок этмаслик ёки беморда текшириш (объектив кўрик, клиник сухбат, анамнез йиғиш) ўтказа олмаслик;</li> <li>-мавзу бўйича амалий иш натижалари бўйича мустақил текшириш баённомасини ўқитувчи ёрдамида тўлдириш;</li> <li>-берилган уй вазифаси мавзуси бўйича тасаввурга эга эмаслик</li> <li>-берилган уй вазифаси мавзуси бўйича тасаввурга эга эмаслик.</li> </ul>
	<p><b>Фанга доир видео маъruzalар, видеороликлар</b></p>
	<p><b>Глоссарийлар:</b></p>
	<p><b>Ахборот ресурс база:</b></p>

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни 1-модул. Тиббий психология фани ва вазифалари. Мия ва руҳий жараёнлар**

Тиббиёт психологияси фани, вазифалари ва унинг қисқача тарихи; мия ва руҳий жараёнлар ва бола руҳияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари; анализаторлар ва уларнинг ишлаш фаолияти тафсилотлари; шахснинг психологик типлари ва темперамент типлари.

### **2 - модул. Психосоматик синдромлар. Психотерапия. Психофармакотерапия**

Психосоматик тиббиёт ҳақида маълумот; псевдоневрологик синдромларни ва унинг органик типдаги неврологик касалликлар билан фарқи; психотерапия ўтказиш усуслари; психофармакотерапия асослари.

### **3 - модул. Психиатрик ёрдам ҳақидаги қонун ва уни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари. Руҳий патологияли беморларни текшириш ва ташхислашни ўзига хос хусусиятлари. Умумий психопатология**

Психиатрия ва наркология фанининг моҳияти. Психиатрия ва наркологиянинг мақсад ва вазифалари. Психиатрия ва наркология фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва улар ўртасидаги фарқлар. Психиатрик ёрдам ҳақидаги қонун ва уни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари. Психиатрияда симптом ва синдром тушунчаси. Асосий психопатологик синдромлар: невротик, психотик; продуктив, негатив; астеник, невротик. Руҳий бузилишларнинг даражалари ва регистрлари.

### **4 - модул. Етук ёшдаги шахс ва хулқ-атвор бузилишлари. Стресс билан боғлиқ руҳий бузилишлар**

Психопатия, тушунчаси. Психопатия мезонлари. Психопатияларнинг систематикаси. Компенсанция ва декомпенсанция тушунчаси. Психопатиялар динамикаси ва солиширма ёшга хос аспектда психопатик шахслар шаклланишининг хусусиятлари. Психопатсимон ҳолатлар билан дифференциал ташхис. Оқибатлари. Психогигиена, психопрофилактика, психотерапияси.

«Руҳий травма», “стресс” тушунчаси. Психотик ва невротик даражадаги бузилишлар. Неврозлар. Тушунчаси. Клиник шакллари: неврастения, шилқим ҳолатлар неврози, истерик невроз. Реактив психозлар. Тушунчаси.

Клиник хусусиятлари. Оқибатлари. Соматик намоён бўлишлари. Даволашнинг асосий йўналишлари ҳамширалик даволаш-ташҳис ишида. Даволаш-ташҳис жараёнида деонтология принциплари.

## **5 - модул. Шизофрения**

Клиникаси ва кечувининг қонуниятлари, тушунчаси. Асосий клиник шакллари: оддий, гебефреник, параноид, кататоник. Шизофрениянинг кечуви типлари: узлуксиз кечувчи, хуружсимон-прогредиент (шубсимон), реккурент (даврий). Шизофреник нуқсон ва оқибати ҳақида тушунча. Шизофренияли bemорлар реабилитацияси. Кўллаб турувчи даво.

## **6-модул. Болалар ва ўсмирлардаги шахс ва ҳулқ-атвор бузилишлари**

Болалар аутизми. Гиперкинетик бузилишлар. Болалар ва ўсмирлардаги хавотирли бузилишлар ва депрессиялар. Болалар ва ўсмирлардаги ҳулқ-атвор бузилишлари. Клиник хусусиятлари. Даволаш хусусиятлари, психопрофилактика, реабилитация муаммолари.

## **7-модул. Геронтопсихиатрия: инволюцион ва сенил психозлар**

Таърифи, тушунчаси. Климактерик даврдаги неврозсимон бузилишлар. Пресенил психозлар. Клиник шакллари. Инволюцион меланхолия. Инволюцион васвасали психозлар. Психопрофилактика, реабилитация муаммолари. Сенил психозлар. Ривожланишининг умумий қонуниятлари. Шахс ўзгаришларининг хусусиятлари. Клиник шакллари. Бош миянинг атрофик касалликлари. Пик, Альцеймер касаллиги. Сенил деменция. Текширув усуслари. Кекса ёшдаги bemорларни даволаш хусусиятлари.

## **8-модул. Соматик касалликлардаги руҳий ва ҳулқ-атвор бузилишлари. Инфекцион психозлар. Бош мия жароҳатларидаги руҳий бузилишлар**

Тиббиётда психосоматик йўналиш. Соматик касаллик руҳий бузилишнинг сабаби сифатида. Ятрогения, профилактикаси. Соматоген руҳий бузилишларнинг ривожланиши умумий қонуниятлари. Соматик ва руҳий бузилишлар ривожланишидаги паралеллизм. Онг бузилиши билан кечувчи ўткир руҳий бузилишлар. Узоқлашган давр клиникаси. Соматик, онкологик, эндокрин, юқумли касалликлардаги руҳий бузилишлар. Психопрофилактика, даволаш, прогноз, экспертиза, реабилитациянинг асосий йўналишлари.

## **9 - модул. ПАВларга қарамлик синдроми**

Тушунчаси, таърифи. Ўткир алкоголь интоксикацияси. Алкоголизм босқичлари, асосий клиник кўринишлари. Абстиненция синдроми. Руҳий ва жисмоний қарамлик. Алкоголизмда шахс ўзгариши. Алкоголизмнинг

оқибати. Касалликнинг ёшга ва жинсга хос хусусиятлари. Даволашнинг асосий йўналишлари. Алкоголь психозлари: алкоголь делирийси («оқ алаҳлаш»), алкоголь галлюцинози, алкоголь васваса психозлари, алкоголь энцефалопатияси, Корсаков психози, эпилептиформ синдромлар. Клиникаси, соматик ва неврологик симптомлар.

Гиёхвандлик белгилари: толерантликнинг ўзгариши, руҳий ва жисмоний қарамлик белгилари, абстиненция синдроми. Ҳар-ҳил турдаги гиёхвандликнинг клиник манзааси. Аниқлашнинг экспресс усули. Интоксикацион психозлар. Сурункали интоксикацияларда руҳий ва соматик бузилишлар. Транквилизаторларни сустеъмол қилишдаги қарамлик. Токсикомания. Тамаки чекиши. Гиёхвандлик ва токсикоманияларнинг ёшга оид, солиштирма хусусиятлари. Диагностика ва даволаш, реабилитация.

## **10-модул. Руҳий касалликларни даволашнинг умумий принциплари. Психофармакотерапия**

Руҳий бузилишларни даволашнинг асосий принциплари. Психофармакотерапия. Психотроп препаратлар: нейролептиклар, транквилизаторлар, тимомиметиклар, психостимуляторлар, антиконвульсантлар, антидепрессантлар, ноотроплар. Кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, асоратлари. Психотерапия. Асосий усуллар. Кўрсатмалар диапазони ва асосий усулларни қўллаш. Психотроп препаратлар билан даволашнинг асосий принциплари.

### **Амалий машғулотлар**

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машгулотларини ўтказишида куйидаги дидактик тамойилларга амал килинади:

- амалий машгулотларнинг максадини аник белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти буйича билимларни чукурлаштириш имкониятларига талабаларда кизикиш уйготиш;
- талабада натижани мустакил равишда кулга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жихатдан тайёрлаш;
- амалий машгулотлар нафакат аник мавзу буйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи хамдир.

#### **Амалий машғулотларнинг таҳминий рўйхати**

1. Тиббий психология фани ва унинг асосий йўналишлари. Мия ва руҳий жараёнлар.
2. Шахс, унинг турлари. Нейропсихологик тестлар
3. Темперамент, унинг турлари. Нейропсихологик тестлар

4. Характер ва унинг турлари. Нейропсихологик тестлар
5. Хиссиёт хакида тушунча. Хиссиёт бузилишлари. Нейропсихологик тестлар
6. Стресс, унинг турлари. Нейропсихологик тестлар
7. Онг ва онгсизлик. Фрейд назарияси. Психоанализ таълимоти. Онг патологияси.
8. Психосоматик тиббиёт: психосоматик ва соматопсихик бузилишлар. Психоген синдромлар
9. Депрессия ва унинг турлари.
- 10.Бош миянинг локал ва диффуз заарланишларида психоэмоционал ва когнитив бузилишлар.
- 11.Инсультларда, эпилепсияда ва крациоцеребрал жароҳатларда психоэмоционал ва когнитив бузилишлар.
- 12.Деменция ва унинг кўринишлари. Нейропсихологик ҳамширалик диагностикаси, нейропсихологик коррекция ва нейропсихореабилитация усуллари.
13. Психотерапиянинг асосий усуллари. Беморга психологик ёрдам кўрсатишининг асосий қоидалари.
- 14.Психиатрик ёрдам ҳақидаги қонун ва уни амалга оширишда фуқаролар хуқуқлари кафолатлари. Руҳий патологияли bemorларни текшириш ва ташхислашни ўзига хос хусусиятлари. Сезги, идрок патологияси. Галлюцинозлар.
15. Тафаккур патологияси. Синдромлари. Васваса синдромлари. Обсессив-компульсив бузилиш. Ўта қимматли гоялар синдроми.
16. Хотира, диққат ва интеллект бузилишлари. Синдромлари. Ақлий қолоқлик. Корсаков амнестик синдроми.
17. Ҳиссиёт, ирода, майл патологияси. Синдромлари. Ихтиёрий ҳаракат патологияси. Ирода ва майл бузилишлари. Психимотор қўзғалиш ва ступор синдромлари.
18. Онг патологияси. Онг бузилиши синдромлари.
- 19.Етук ёшдаги шахс ва хулқ-атвор бузилишлари. Характер акцентуацияси, психопатиялар, психопатсимон синдром.
- 20.Стресс билан боғлиқ невротик бузилишлар. Стрессли бузилишлар. ПТСР. Генераллашган хавотирли бузилишлар. Хавотирли – фобик бузилишлар. Ваҳимали бузилишлар.
- 21.Шизофрения. Биполяр бузилишлар. Шизофрениянинг кечиш турлари ва шакллари.
- 22.Болалар ва ўсмирлардаги шахс ва хулқ-атвор бузилишлари. Болалар аутизми. СДВГ. Болалар ва ўсмирлардаги хавотирли бузилишлар ва депрессиялар. Болалар ва ўсмирлардаги хулқ-атвор бузилишлари. Болалардаги пароксизмал бузилишлар.
- 23.Бош миянинг органик шикастланишидаги психопатологик синдромлар. Цереброастеник синдром. Психопатсимон синдром. Психоорганик синдром. Тутқаноқ синдроми.

24. Демент ҳолатлар. Геронтологик беморларни парвариш ва даволаш хусусиятлари. Турли этиологияли деменциялар.
25. Соматик касалликлардаги руҳий бузилишлар: кардиоваскуляр патология, мөйда-ичак йўли касалликлари, семизлик, нафас олиш тизими касалликлари, диабет, эндокрин ва метаболик синдромлар
26. Инфекцион касалликлардаги руҳий бузилишлар. Психоонкология. Экзоген тип реакциялар концепцияси.
27. Алкоголизм. Алкогол психозлари
28. Наркомания. Токсикомания. Нохимик аддикциялар.
29. Психиатриядаги шошилинч ҳолатлар. Руҳий бузилишлар терапияси. Психотерапия.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан буйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кузда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш**

Фан буйича курс иши намунавий ўқув режада кузда тутилмаган.

### **Мустакил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба “Тиббий психология. Психиатрия ва наркологияда ҳамширалик иши” фанидан мустакил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини хисобга олган холда куйидаги шаклларда фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

- 1) мавзулар бўйича конспект (реферат, таклимот) тайёрлаш.  
Назарий материални пухта узлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диккатни купрок жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вактни тежайди;
- 2) ўқитиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машгулотлар давомида олган билимларии узлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик куришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойихаси намуналари, уз-узини назорат учун тест топшириклари в.б;
- 3) фан буйича кушимча адабиётлар билан ишлаш. Мустакил урганиш учун берилган мавзулар буйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташкари кушимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланидилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рагбатлантирилади;
- 4) И Н ТЕРН ЕТ тармогндан фойдаланиш. Фан мавзуларини узлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу буйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида кушимча рейтинг баллари билан рагбатлантирилади;

- 5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойихаларини ишлаб чикиш ва иштирок этиш;
- 6) амалиёт турларига асосан материал йигиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, хисботлар тайёрлаш;
- 7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва маколалар тайёрлаш ва иштирок этиш;
- 8) мавжуд лаборатория ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машгулотларни ташкил этиш буйича методик курсатмалар тайёрлаш ва х.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустакил урганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йулларини аниклаш, Интернет тармокларидан фойдаланиб маълумотлар туплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тугарак доирасида ёки мустакил равища илмий манбалардан фойдаланиб илмий макола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чукурлаштиради, уларнинг мустакил фикрлаш ва ижодий кобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машгулот олиб борувчи уқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни узлаштириш даражасини текшириш ва баҳдлаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи уқитувчи томонидан хар дарсда амалга оширилади.

Мустакил ишни ташкил этиш буйича услугий курсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар туплами ишлаб чикилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари буйича амалий топширик, кейс-стадилар ечиш услуги ва мустакил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

### **Тавсия этиладиган мустакил таълим мавзулари**

1. ОИТСдаги рухий бузилишлар
2. Тұғрукдан кейинги психозлар
3. Ниқобланган депрессия.
4. Аёллар алкоголизми
5. Ўсмир ёшларда алкоголизм.
6. Компьютерга қарамлик
7. Алкоголизм ва наркоманияни замонавий даволаш усуллари.
8. Алкоголизм ва наркоманияни профилактикаси
9. Наша қабул килган беморлардаги психозлар
10. Опийли наркоманияси
11. Токсикомания, турлари, клиникаси.
12. Шизофрения касаллигига реабилитация
13. Шахснинг патохарактерологик ривожланиши.
14. Педагогик қолоқлик
15. Патопсихологик тестлар
16. Геронтопсихиатрия.
17. Негатив синдромлар диагностикаси
18. Позитив синдромлар диагностикаси
19. Эндокрин касалликлардаги рухий бузилишлар

20. Инфекцион касалликлардаги рухий бузилишлар.
21. Бош мия сифилисидаги рухий бузилишлар
22. Қон томир касалликлардаги рухий бузилишлар
23. Ўсма касалликларида рухий бузилишлар.
24. Соматик касалликлардаги рухий бузилишлар.
25. Бош мия жароҳатларидаги рухий бузилишлар.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Ходжаева Н.И., Шоюсупова А.У. Психиатрия: тиббиёт институтлари талабалари учун. Дарслик. — Т.:Мехридарё, 2011.
2. Ибодуллаев З.Р. Тиббиёт психологияси. Дарслик. 2012.
3. Аграновский М.Л. Общая медицинская психология и психопатология. Андижон 2011.
4. Аграновский М.Л. Частная медицинская психология и психиатрия. Андижон 2011.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Жариков Н.М. и др. Психиатрия: учебник - М.: 2002 г.
2. Коркина М.В., Лакосина Н.Д., Личко А.Е., Сергеев И.И.. Психиатрия.
3. Учебник для студ. мед. вузов. М.: МЕДпресс-информ, 2006.
4. Карвасарский Б.Д. Клиническая психология, 2004.
3. Самохвалов Б.Н. Учебник по психиатрии, 2006.
5. Гельдер М., Гэт Д., Мейо Р. Оксфордское руководство по психиатрии.- Пер. с англ.: в двух томах. – К.:Сфера, 1999.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);
2. [www.s-psy.ru](http://www.s-psy.ru)
3. [www.psychiatry.ru](http://www.psychiatry.ru),
4. [www.medlibrary.ru](http://www.medlibrary.ru)
5. [www.medline.ru](http://www.medline.ru)
6. [www.med.ru](http://www.med.ru)



